

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўғиллари Иброҳим вафотига йиғлаганлари



10:00 / 04.12.2018 7642

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўғиллари Иброҳим сакаротдалик (жон чиқар маҳали) пайтида ёнига кирдилар. Икки кўзлари ёшга тўлди. Шунда Абдурахмон ибн Авф розияллоху анху: “Сиз ҳам йиғлайсизми, эй Аллоҳнинг Расули?” деб сўради. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

“Эй Авф ўғли! Бу бир раҳматдир!” - дедилар ва бошқа томонга ўтиб: - Албатта, кўзлар ёшланади, қалб маҳзун бўлади. Роббимиз рози бўладиган нарсанигина айтамиз. Эй Иброҳим! Аблатта, сенинг фироқингдан биз маҳзунмиз” (Риёзус-солиҳийн, 924).

“Қалбимизнинг нури” китобидан